



Хасан ПАЙДОЕВ олган сурат-лавҳа.

ХАЛҚ – ДАВЛАТ – ЖАМИЯТ – ОИЛА...

Бу узилмас ришталар орқали сизу бизнинг инсонийлигимиз, фуқаролик бурчимиз ва асосийси, ҳақ-ҳуқуқларимиз, эркинликларимиз чамбар-час боғланиб туради. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ана шу ҳаётини қондаларнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкам кафолатлаб қўйилган.

3

МУЛОҚОТНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ ХАЛҚҚА НИМА БЕРАДИ?



Яқинда Президентнинг давлат хизмати, аҳоли билан мулоқот ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимига тайинланган Ғофуржон Мирзаев бошчилигидаги ишчи гуруҳ аъзолари жамоатчилик билан ўзаро мулоқотнинг янги тизими доирасида илк тажриба сифатида Тошкент вилоятининг оғир ҳудудларидан бири бўлган Окқўрғон туманида иш бошлади.

Албатта ишчи гуруҳ таркиби кичкина эмас. Аниқроғи, 24 та вазирлик ва турли идора раҳбарларидан иборат бу гуруҳ дастлаб мазкур тумандаги 4 та сектор кесимида 29 та маҳалладаги ҳақиқий аҳвол билан танишади.

Этиборли жиҳати, кузатувчиларнинг бизга изоҳ беришларича, вилоятнинг Окқўрғон туман ҳудуди танлаб олингани бежиз эмас. Негаки, кейинги йилларда бу ерда қатор муаммолар ўз ечимини кутаётган эди. Гуруҳ вакиллари энди ўзгачароқ усулни қўллашмоқчи: яъни маҳаллама-маҳалла, уйма-уй юриб, ҳар бир оила ва хонадоннинг ижтимоий, маиший, иқтисодий шарт-шароитлари, муаммолари билан яқиндан танишиш асносида, уларни имкони борича ўз жойида тезкорлик билан ижобий ҳал этиш чоралари кўрилади. Яна бир жиҳати, аввалги ўрганишлардан фарқи ўлароқ, биринчи навбатда оғир ижтимоий аҳволда қолган, боқувчисини йўқотган яққа, ёлғиз юртдошларимиз дуч келаётган оғриқли масалалар таҳлил этилиб, ҳолисона ечим изланади.

Ҳозиргача тумандаги Ёшлик, Маданият, Жағалбойли, Сувти, Кўшамғали, Мустақиллик, Хонобод, Элтамғали, Султон Сегизбоев, Толовул маҳаллаларидаги 920 та хонадон ва 15 та ижтимоий соҳа объекти ўрганиб чиқилиб, аниқланган 547 та масаланинг 76 таси (13,8 фоизи) ҳал этилгани айтилмоқда. Қолган 471 та масала бўйича эса тегишли тартибда чора-тадбирлар белгиланди. Табиийки, аввало, керакли муддат ва катта маблағ талаб этиладиган айрим масалалар келгуси йил дастурларига киритиладиган бўлди.

Янги ташкил этилган республика ишчи гуруҳининг фаолиятига халқнинг ўзи баҳо берадиган кунлар яқин.

МУХБИРИМИЗ



ЭЛЕКТОРАТ ОЛДИДА ҲИСОБ БЕРАМИЗ

3

ТҮРТ МАРТА САЙЛАНИШ ОСОНМИ?

4



БЕШ КУНЛИК САФАР СИРЛАРИ

6

O'ZLIDEP

ЎТМОИЙ-СИЙОСИЙ ГАЗЕТА

1-dekabr 2022-yil 48 (994) www.21asr.uz @XXIasrofficial

ЎЗБЕКИСТОН – ОЗАРБҲЙЖОН



ПАРТИЯЛАРАРО ҲАМКОРЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон ва ОзарбҲйжон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликда O'zLiDeP ва "Ени Азербайжан" партиялари ўртасидаги алоқалар муҳим ҳисобланади. Икки партия ҳам ўз мамлакатининг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол жараёнлар марказида туради. Ҳаттиз йил мобайнида "Ени Азербайжан" партияси Ҳайдар Алиев раҳбарлигида эса солинган ғоялар йўлидан бормоқда. Илҳом Алиев йўлбошчилигида эса ОзарбҲйжоннинг келажақ муваффақиятлари кафолатига айланди.

Яқинда Боку шаҳрида бўлиб ўтган "Ени Азербайжан" партияси ташкил топганининг 30 йиллик юбилейида O'zLiDeP делегацияси ҳам иштирок этди. Ҳаттиз давр мобайнида "Ени Азербайжан" партияси замонавий демократик жараёнларга ҳамқадим равишда фаолиятини ривожлантириб борди. 2018 йили Илҳом Алиев президентликка қайта сайланган, ОзарбҲйжондаги модернизация ва янги-лаишлар сиёсати бутунлай янги босқичга кўтарилди.

O'zLiDeP кузатувларига кўра, "Ени Азербайжан" партияси тараққиётнинг янги йўналишлари фалсафасига мувофиқ такомиллаша бориб, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётига уйғун равишда ўтказилаётган янги ислохотларнинг ажралмас қисмига айланди. Кўриб турибмики, шу йиллар мобайнида партия замонавий давлат, кучли иқтисодиёт, юқори даражали ижтимоий фаровонлик каби тамойиллар асосида иқтисодий тараққиёт ва ижтимоий юксалишни таъминлашда муҳим ўрин эгаллади.

Юбилей тадбирлари доирасида делегациямиз "Ени Азербайжан" партияси раиси, мамлакат раҳбари Илҳом Алиев билан учрашди. Учрашув аввалида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери уринбосари Ақтам Ҳайитов Шавкат Мирзиёев ва ўз номидан Илҳом Алиевни "Ени Азербайжан" партиясининг 30 йиллиги билан самимий кутлади. ОзарбҲйжон Президенти икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги ҳолати тўғрисида гапириб, энергетика, транспорт, пахтачилик, ипақчилик ва бошқа соҳалардаги яқин алоқаларга алоҳида тўхталди. Томонлар O'zLiDeP ва "Ени Азербайжан" партиялари ўртасидаги ҳамкорлик самарадорлигини янада ошириш муҳимлигини таъкидлади. Бу борада аниқ йўналишлар белгилаб олинди.

Ўзбекистон – ОзарбҲйжон ўртасидаги алоқалар тобора янги маъно касб этиб, моҳиятан иттифоқчилик табиатига эга бўлиб бормоқда. O'zLiDeP ва "Ени Азербайжан" партияларининг ўзаро алоқалари ўзбек-озарбҲйжон ҳамкорлигини янада ривожлантиришга кўмак беради.

Сардор МАЛИКОВ,
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия
қўмитаси котибияти мудир

XXI АСРНИНГ 23-ЙИЛИДА ҲАМ "XXI asr" БИЛАН БИРГА БЎЛИНГ!

ОБУНА 2023

Обуна индекси – 406.
Мурожаат учун телефон: 71 255 68 50.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОХОТЛАР

Мамлакатимизда халқимиз келажаги, айтиш мумкинки, тақдирга дахлдор муҳим жараён кечяпти – Конституциямизни такомиллаштиришга қаратилган ишлар давом этапти. Мазкур сайёҳаркатлар “Инсон қадри учун”, “Жамият – ислохотлар ташаббускори” деган эзгу, устувор ғоялар асосида олиб борилаётгани алоҳида эътиборга молик. Зеро, Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” асарида Янги Ўзбекистонга мувофиқ келувчи конституциявий принцип ва қондаларни белгилаш ҳам кўзда тутилган эди. Уларнинг мазмун-моҳиятини, қайд этилганидек, асосан “Инсон қадри учун” устувор тамойили ташкил қилляпти. Мазкур эзгу ғоя конституциявий ислохотларнинг асосий йўналишлари, яъни илгари амал қилган “давлат – жамият – инсон” принципининг “инсон – жамият – давлат” принципига ўзгариши, иқтисодий ислохотлар жараёнида инсон манфаатини таъминлаш, “Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат” принципини конституциявий жиҳатдан мустақамлаш ва бошқа ҳужжатларда ҳам ўз ифодасини топаётгани эътиборга лойиқдир.



O'zLiDeP ХАЛҚИМИЗ ВА ЭЛЕКТОРАТНИНГ ТАЛАБИСТАКЛАРИГА СУЯНАДИ

Ахтам ХАЙТОВ,
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари –
O'zLiDeP фракцияси раҳбари

Партияимиз фаоллари, депутатларимиз ана шу муҳим йўналишлар асосида Асосий қонунни такомиллаштириш юзасидан аниқ, асосли тақлифларни илгари сураётганликлари уларнинг ўз зиммаларидаги масъулиятни, фуқаролик бурчини теран англаётганликларидан дарак беради. Конституциямизни жамиятдаги бугунги реал воқеликка, шиддатли ислохотлар ўзанига мослаштириш O'zLiDeP электорати манфаатларига тўла мос келади дейиш мумкин. Бу борада олиб бораётган сайёҳаркатларимиздан кўзланган мақсад – Бош қомусимизни бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўйишдир.

Маълумки, конституциявий ислохотларни бошлаш ташаббуси O'zLiDeP ва “Миллий тикланиш” демократик партиялари томонидан илгари сурилган эди. Партияимиз томонидан Конституциявий қонун лойиҳаси тайёрланишидан аввал ташкил этилган тарғибот тадбирлари давомида 8 мингдан ортиқ тақлифлар билдирилган бўлиб, улардан 2 минг 719 таси Конституциявий комиссияга тақдим этилди.

Бу кизгин жараён, таъкидлаш керакки, мамлакатимизнинг барча ҳудудларини қамраб олди. Муҳими, унда Асосий қонунимизни қайта кўриб чиқиш юзасидан муҳим тақлиф-таъвиялар билдирилди.

Конституциямизга киритилиши мўлжалланаётган айрим ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятига қисқача тўхталиш жоиз деб биламан. Янгиланаётган Конституция лойиҳасининг 36-моддасида “Хар қим қонун билан муҳофаза қилинадиган мулкка, шу жумладан интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуққа эга” эканлиги ва яна худди шу моддада нафақат банк омонатлари, балки банк амалиётлари ва ҳисоббаракларнинг ҳам сир тутилиши кафолатланмоқда.

Шунингдек, 53-моддада кулай ишбилармонлик ва инвестициявий муҳитни яхшилаш, тадбиркорлар қонунчиликда тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириши, ўз фаолиятининг йўналишини мустақил равишда танлаши, бозор муносабатларини ривожлантириш, ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратиши, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланиши, товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланиши кафолатланиши ҳамда монополистик фаолият қонун билан чекланиши белгиламоқда. Конституциямизга бу нормаларнинг киритилиши мамлакатимизда фаол тадбиркорлик фаолияти учун конституцион даражада мустақам замин яратиш, тадбиркорлар ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатланиши янада кучайтириш, қисқаси, тадбиркор ва ишбилармонлар учун янада кулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

Партияимиз тадбиркорликни жадал ва кенг миқёсда ривожлантириши, қанчалик мураккаб бўлмасин, жуда зарур ва ўта муҳим вазифа деб ҳисоблайди. Чунки мамлакатимизда кулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришдан бутун жамиятимиз манфаатдор. Тадбиркорликнинг кенг қулоч ёйиши бутун халқимиз фаровонлигини ошириш учун зарур шарт-шароит яратиши. Зеро, бугун Ўзбекистонда жамиятнинг янги ижтимоий қатлами – сони 10 миллиондан ортиқ бўлган мулкдорлар синфи вужудга келди. Бинобарин, қонун лойиҳасини Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси, жумладан, мамлакатда амалга оширилаётган мазмурий ислохотлар йўналишлари билан ҳамоҳанглигини таъминлаш

нуктаи назаридан ҳам такомиллаштириш мақсада мувофиқдир. Айниқса, хусусий мулк ва тадбиркорликни ҳимоя қилиш, иқтисодиётда давлатнинг тартибга солувчи ролини кучайтириш эҳтиёжи ҳам қонун лойиҳаси қайтадан ниҳоятда пухта ишланишини тақозо қилляпти.

Мушоҳада қилиб кўрайлик, бугунги кунда Ўзбекистонда 1,5 миллионга яқин тадбиркор фаолият юритмоқда. Ишбилармонлар тасаруфидоги корхоналарда эса 5 миллиондан зиёд киши меҳнат қилляпти. Яъни, хусусий сектор манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ғоят муҳим вазифалардан бири ва бу жамият, давлат барқарорлиги, тараққиётга дахлдор долзарб масала бўлиб қолаётди. Иқтисодиётда давлатнинг тартибга солувчи роли такомиллаштирилиши монополияга чек қўйиш, соғлом рақобатни ривожлантириш ва бошқа қўллаб-қўйиш йўналишларида туртки беради.

Конституцияга киритилаётган ўзгаришлар катта ишнинг бошланиши, албатта. Уларни ҳаётга татбиқ этиш давлат бошқаруви органлари зиммасига жуда катта вазифаларни юкляйди. Бу эса, ўз навбатида, Конституцияга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчаларни амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштиришни талаб этади. Шу боис O'zLiDeP ва унинг парламент куйи палатасидаги фракцияси бу борадаги ишларни изчил ҳамда тўғри йўлга қўйиши муҳим омил саналади. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ваколатларини аниқлаштириш, уларни оптималлаштириш, парламент ва ҳукумат, шунингдек, бошқа органларнинг ўзаро муносабатини аниқлаштириш бўйича лойиҳа устида янада мукамалроқ ишлашимиз лозим.

Биз мазкур ислохотларнинг натижасига биринчи галда халқимиз ва асосий электоратимиз – тадбиркор ва фермерларнинг талаб-истагидан келиб чиқиб ёндашяпти. Электоратимиз, аввало, Конституциямизда давлат бошқаруви ва унинг маҳаллий органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний ара-лашувидан ҳимоя қилиши, мамлакатимиз ички бозорларига реал рақобат муҳити кучайиши тарафдори. Бу эса мамлакатимиз аҳолиси барча қатламлари манфаатлари ва орзу-истакларига ҳамоҳангдир. Янгиланаётган Конституция халқчил бўлишининг, ислох қилинган Асосий қонунни ҳар бир фуқаро “Бу – менин Конституциям” деб қабул қилишининг бирламчи шарти ҳам аслида шу эмасми?

Пировардида шуни қайд этишни истардимки, Конституцияга ўзгариш ва қўшимчалар киритилиши тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳар томонлама пухта ўйланаётгани, бу жараёнларда жамоатчилик фикрига таянилаётгани ва бош ҳужжат жаҳон конституциявий тажрибаси асосида қайта тайёрланаётганига барчамиз шоҳидимиз. Шунинг баробарида мазкур масалада асло шовилмаслигимиз лозим.

Президентимиз Сирдарё вилояти фаоллари билан учрашувда ҳам ушбу масалага яна эътибор қаратиб, мукамал, халқчил Конституцияни яратиш учун шовилмаслик кераклиги, халқимиз учун бундай имконият яна қачон бўлиши, шу мақсадда халқ билан яна бир бор маслаҳатлашиш кераклиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтгани ҳам бежиз эмас. Дарвоқе давлатимиз раҳбарининг кўрсатиб ва белгилаб берган йўл-йўриқлари, тақлиф ва маслаҳатлари Конституциямизнинг ислох этилиши жараёнида ҳаммамиз учун асосий дастурий амал бўлиб хизмат қилади.

Президентимиз ўтган ҳафтада Халқ депутатлари Навоий вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги иштироки чоғида ана шундай, худуд тараққиёти учун ўта долзарб масалаларни тилга олиб, уларни имкон қадар тезроқ ечиш юзасидан ҳар бори мутасаддига алоҳида топшириқлар бергани замирида халқимиз бугун яхши яшаши керак, деган улғувор ғоя мужассам. Шунинг учун ҳам йиғилишда белгиланган режаларни амалга оширишнинг аниқ муддатлари тасдиқланиб, уларни молиялаштириш манбалари кафолатлангани айтиб ўтилди. Жумладан, партияимиз фаолиятининг асосий йўналишини ташкил этилган тадбиркорликни ривожлантириш учун келгуси йилда вилоятнинг ўзидан 26 та маҳаллий саноат маркази ва кичик саноат зоналари ташкил этилиши, оилавий тадбиркорлик дастурлари учун 600 миллиард сўм йўналтирилиши O'zLiDePнинг ҳар бир аъзосини, кўп минг сонли электоратини янги марралар сари руҳлантирди, десак муболага бўлмайди. Умуман, Навоий вилоятини камбағаллик ва ишсизликдан холи худудга айлантириш ҳаракатига “старт” берилди.

Вилоятимизда 8 миллион гектардан ортиқ яйловлар бор. Айниқса, қўйчилик ва эчкичиликни янада ривожлантириш учун катта имконият мавжуд. Чорвачилик тармоғи салоҳияти тўла ишга солинаётган

ИФТИХОР

ЛУВР МУЗЕЙИДАГИ НАМОЙИШ ЮРТИМИЗГА САЙЁҲЛАР ОҚИМИНИ КЎПАЙТИРАДИ

Улғувор тарих, беназир маданий меросга эга халқимиз. Юртимиз ўтмишига оид ҳар бир осори атиқа шундан далолат бериб турибди. Ушбу фикр Президентимизнинг Францияга расмий таширифи давомида очилган икки йirik кўргазмада яна бир бор ўз аксини топди.



Лувр музейида иш бошлаган “Ўзбекистон воҳаларининг мўъжизалари. Карвон йўллари чорраҳасида” ва Араб дунёси институтида ташкил этилган “Самарқандга йўл. Ипак ва олтин мўъжизалари” кўргазмалари француз жамо-

НАВОИЙ ЎЗ НОМИГА МУНОСИБ ВИЛОЯТГА АЙЛанаДИ

ганининг битта сабаби – кўплаб яйловларда сув йўқлиги билан боғлиқ. Қудуқлар қазиб, чорвачиликка ихтисослашган янги хўжаликлар ташкил этиш керак. Биз – депутатлар бу масала ечимини топиш учун изланаемиз. Чорвачилик бўйича бизнес-режалар ишлаб чиқиши, уларнинг молиялаштирилиши, тегишли ҳужжатлар тайёрланишига кўмак бераемиз. Натижада бу йўналишда бир неча лойиҳа ҳаётга кўчди. Неча ўнлаб одамлар ишли бўлди.

Тасдиқланган дастурлар ва белгиланган режаларнинг ўз вақтида ва бекам кўст бажарилиши биз – депутатларга ҳар томонлама боғлиқ. Чунки депутатлик назорати – бугунги демократик жамиятнинг энг самарали институтидирдан биридир. Шунинг учун ҳам зиммамиздаги вазифаларни теран англаган ҳолда фаолият юритишга бел боғлаганмиз.



Азиз СУВОНОВ,
Халқ депутатлари Навоий вилоят кенгаши депутати



атчилиги ва сайёҳларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Луврдаги намоийш кўҳна тарихимизга оид ашёлар, қадимий Барахша, Африсийб деворий суратлари сингари ноёб экспонатларни мужассам этди. Умумий ҳисобда 320 дан ортиқ осори атиқалар дунёга кўз-кўз қилинапти.

Лувр музейини йилига 10 миллиондан кўпроқ одам томоша қилади. Энди улар Ўзбекистоннинг шонли ўтмиши ва бой маданиятидан ҳам баҳра олиш имконига эга бўлмоқдалар. Бу эса, ўз навбатида, юртимизга сайёҳлар оқимининг

кўпайиши, пировардида туризмни ривожлантиришга катта туртки беради.

Сайловолди дастуридан Ўзбекистонни жаҳон туризмнинг жозибали марказига айлантириш, мамлакатимизни сайёҳлар энг кўп таширифи буюрадиган дунёнинг 30 та давлати қаторига изчиллик билан киритиш вазифаси ҳам ўрин олган партияимиз, албатта, ана шундай тадбирларни қўллаб-қувватлайди.

Шерзод МАМАТҚУЛОВ,
O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши аппарати раҳбари

ДАВРА СУҲБАТИ

ЭКСПОРТГА ЭЪТИБОР КАМАЙМАЙДИ

Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясини жорий йилда амалга оширишга оид давлат дастурида юртимиз экспорт салоҳиятини ошириш борасида талай вазифалар белги-лангани эътиборга молик. O'zLiDeP ана шу вазифалар бажарилишига ҳам кўмаклашиши, ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича қизғин фаолият олиб борапти.

Яқинда партия Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитасида “Тадбиркорлик субъектлари экспорт салоҳиятини ошириш – тараққиётимизни жадаллаштирувчи муҳим омил” мавзусида ўтказилган давра суҳбати фикримизга ёрқин мисол. Қирқдан зиёд ишбилармон қатнашган тадбирни партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши раиси Равшан Фозилов олиб борди.

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари Дилшод Шоумаров ўзбек брендлари ва маҳсулотларини хорижда тарғиб қилиш бўйича “Made in Uzbekistan” дастурининг амалга оширилиши, экспорт қилувчи ташкилотларга мамлакатимиз ва хорижда стандартлаштириш ва сертифицилаштиришнинг халқаро тизимлари жорий этилиши ҳақида гапирди.



Ўзбекистон иқтисодиёт ассамблеяси раиси Мухтор Умаров миллий маҳсулотларни хорижга экспорт қилиш бўйича республика идоралари, вилоятлар ва туманлар, шаҳарлар ҳокимликлари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш ҳамда экспорт қилувчилар учун имтиёзлар ва преференциялар, ваколатли давлат ҳокимияти органларининг вазифалари ва функциялари тўғрисида сўз юритди.

“Bergland invest S.A.” компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бош вакили, Ҳиндистон, Туркия билан илк ўзбек қўшма корхоналари асосчиси Алишер Ходжаев хорижлик харидорни излаш, экспорт шартномаси тузиш, музокаралар жараёни, маркетинг, нарх белгилаш, транспорт логистикаси, сертифицилаш, стандартлаштириш ва сифат назорати, солиқ ва бошқа маъмурийтаъминот, чет эл бозорларига кириш ва бошқа масалалар тўғрисида тадбиркорларга маслаҳатлар, йўл-йўриқлар берди, саволларга жавоб қайтарди.

O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши матбуот хизмати

8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КҲН

Ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб яратилган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганига 30 йил тўлди. Бу албатта катта муддат эмас. Лекин кадр-қиммати ва аҳамияти жиҳатидан биз учун ниҳоятда улкан вақтдир.

Мамлакатимиз Конституциясини инсониятнинг ижтимоий ҳаётини ҳуқуқий тартибга солиш ва ташкил этиш борасида кашф этган энг муҳим ютуқларини ўзида мужассам қилган олий юридик кучга эга Қомуснома десак муболаға бўлмайди. Маълумки, адолатли жамият барпо этиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш азалдан мутафаккирлар ва файласуфларнинг эътиборини қаратиб келган.

Инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлашга оид ҳуқуқий манбалар жуда қадимги замонларга бориб тақалади. Қадимги Рим, Юнонистон, Шарқ ва Ўрта Осиё, шунингдек, Европа давлатларидаги мавжуд инсон ҳуқуқларига оид қадимги манбаларни бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Эътиборингизни замонавий инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик ҳужжатларига қаратсан. Одатда ушбу қонунчилик уч босқичга бўлиб ўрганилади.

Биринчи босқич, 1789 йилда қабул қилинган Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Француз декларациясидан бошланиб, то Биринчи жаҳон урушига қадар даврни ўз ичига олади. Инсон ҳуқуқлари қонунчилиги биринчи босқичда шахс эркинлиги ва фуқаролар тенглиги, шахс дахлсизлиги, хусусий мулк, сайлов ҳуқуқларига оид масалалар асосий ўрин эгаллаган.

Инсон ҳуқуқларининг иккинчи босқичи ХХ асрнинг биринчи ярмига ўз ичига олади. Бунда инсоннинг меҳнат қилиш ҳуқуқи; дам олиш ҳуқуқи, ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқи қонунчиликнинг асосий мавзуси бўлган.

ХХ асрнинг иккинчи ярми Инсон ҳуқуқларига оид қонунчиликнинг учинчи босқич даври ҳисобланади. Бу даврда инсон ҳуқуқлари ҳимоясига оид яратилган қонунлар инсон ҳуқуқлари қонунчилигининг “янги авлод” даври деб номланади. Учунчи босқич қонунчилиги марказида тинч яшаш ҳуқуқи, соф ва тоза атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи, ахборот олиш ҳуқуқига катта эътибор қаратилган.

Мантқан кетма-кетликдан келиб чиққан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизимини учинчи босқичда яратилган Конституциялар каторидан ўрин олган. Шу нуқтага назардан олганда, юқорида санаб ўтилган инсон ҳуқуқларининг барчаси Конституциямизда ўз аксини топган.

Жумладан, Конституциянинг II бўлими

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТЛАНГАН



“Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари” деб номланади. Ушбу бўлимда Умумий қоидалар; Фуқаролик; Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар; Сиёсий ҳуқуқлар; Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар; Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари ва фуқароларнинг бурчлари белгилаб берилган.

Инсон ва фуқароларнинг бурчлари ҳам инсон ҳуқуқлари қаторига киритилган. Нимага деган табиий савол туғилади. Чунки инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлар экан, маълум бурчларни ҳам ўз зиммасига олиши керак. Ушбу бурчларни бажариши баробарида бошқа фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда иштирок этади. Масалан, фуқаролар Ватан олдидаги хизмат бурчини бажарар экан, мамлакатимиз сарҳадларини, фуқароларнинг тинч ҳаёти ва яшаш ҳуқуқини турли тажовузлардан ҳимоя қилади.

Конституцияда белгиланган асосий ҳуқуқ ва эркинликларимизни кўпчилигимиз яхши биламиз. Лекин ана шу қоидаларнинг халқро

ҳужжатларга мувофиқлигини-чи? Келинг, шу ҳақда батафсил сўз юртайлик.

Маълумки, инсон ҳуқуқларига оид БМТ томонидан 70 га яқин, Европа Кенгаши Бош ассамблеяси томонидан 160 дан зиёд, ЮНЕСКО томонидан 70 дан ортиқ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти томонидан 30 дан ортиқ халқаро конвенциялар, декларациялар, пактлар қабул қилинган. Маълумотларда келтирилишича, ҳозирги пайтда инсон ҳуқуқлари бўйича 400 га яқин халқаро ҳужжат мавжуд.

Эътиборингизни БМТ Бош Ассамблеяси резолюцияси билан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига қаратсан. Нима учун, айнан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Чунки Конституцияимизнинг “Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар” деб номланган VII бобида ушбу декларациянинг қоидалари тўлиқ ўз аксини топган. Нафақат Ўзбекистон Конституциясининг, балки дунёдаги мавжуд инсон ҳуқуқларига тааллуқли бўлган қонунчилик ҳужжат-

ларининг бирдан-бир манбаи айнан мана шу БМТ Декларацияси ҳисобланади.

Дарҳақиқат, инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлар ҳақида сўз борар экан, биринчи навбатта Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини фарб тамаддуни, янги давр ислохотчилари ва мутафаккирлар сайъ-ҳаракатларининг юксак чўққиси сифатида эътироф этиш туғри бўлади.

Ушбу декларация Иккинчи жаҳон уруши якунланганидан сўнг, инсониятнинг шафқатсиз уруш азоб-уқубатларини бошидан кечирган халқро жамиятда инсон ҳуқуқларини тушуниш борасида ҳамжиҳатликка интилишнинг ифодаси сифатида қабул қилинди. Декларацияда кўрсатилишича, инсон ҳуқуқларини менсимаслик ва оёқ ости қилиш одамзод виддонини ўртаётган ваҳшийларча қилмишларга олиб келган. Шунинг учун декларация прамбуласида ҳар бир инсон ва жамиятнинг ҳар бир ташкилоти ҳаммаша ана шу декларацияни назарда тутиб, маърифат ва илм йўли билан ушбу ҳуқуқлар ва эркинликларнинг ҳурмат қилинишига ёрдам беришга интилишлари ҳамда миллий ва халқро тараққиётпарвар тадбирлар йўли билан ҳам ушбу ҳуқуқлар ва эркинликларнинг ташкилотга аъзо бўлган давлатлар халқлари ўртасида ва мазкур давлатларнинг юрисдикциясидаги ҳудудларда яшаётган халқлар ўртасида ялписига ва самарали тан олишга чақирилган.

Жами 30 та моддадан иборат бўлган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг асосий қоидаларини Ўзбекистон Республикаси Конституциясида акс этиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид халқро нормаларни Ўзбекистон томонидан сўзсиз тан олинганини билдиради. Масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг 3-моддасида “Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгадир” деб белгиланган. Ушбу норма Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир” деган мазмунда келади.

Декларациянинг 5-моддасига мувофиқ, “Ҳеч ким қийноққа ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қиммати хўрловчи муомала ва жазога дучор этилмаслиги керак”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддаси иккинчи қисмига асосан “Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас”лиги кўрсатилган. Ёки декларациянинг 9-моддасига эътибор беринг. Унда “Ҳеч ким асосий қамалиши, ушланиши ёки қувғин қилиниши мумкин эмас” дейилган.

Худди шундай қоида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддасида қайд этилган: “Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас”.

Кўриб турганингиздек, мамлакатимиз Конституцияси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари борасида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг асосий қоидаларини ўзида мужассам этган. Биз ҳар икки ҳужжатни қийёсий ўрганиши мақсад қилмаганмиз. Бу иш анча жиддий ёндашуви талаб қилади. Фақат биз, дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилган инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид асосий қоидаларни миллий қонунчилигимизда қанчалик мустаҳкам ўрин топганини кўрсатиши лозим топдик.

Қолаверса, Ўзбекистон – суверен демократик республика. У Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлат. Демак, биз инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид халқро нормаларнинг ижросини таъминлашни ўз зиммамизга мажбурият қилиб олганмиз. Ушбу мажбуриятлар ижросини таъминлашда Конституциямиз муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Биз шуларни эътироф этмоққа уриндик, холос.



Абдуманно РАХИМОВ, Конституциявий суд судьяси, юридик фанлар номзоди

МУҲОКАМАДАН СЎНГ...

ЭЛЕКТОРАТ ОЛДИДА ҲИСОБ БЕРАМИЗ

О’zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) кенгашлари депутатлари ва партия фаоллари қатнашган мажлисда жорий йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида амалга оширилган ишлар атрофича муҳокама қилинди.

– Партиямиз сайловолди дастури 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясига ҳар жиҳатдан уйғун ва ҳамоҳангдир, – деди О’zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши раиси Шўҳрат АСЛАНОВ. – Унинг ҳар бир бандида “Инсон қадри учун”, “Инсон-жамият-давлат” деган муҳим тамойил ва ғоялар акс эттирилган. Дастуриимизда баён қилинган вазифалар ижроси устидан жамоатчилик ва депутатлик назоратини олиб бориш учун ҳар бир йўналиш кесимида вилоятда ташкил этилган 21 та ишчи гуруҳи томонидан 190 дан ортиқ давра суҳбатлари, эшитувлар, амалий семинарлар ўтказилди.

Кадрлар захирасини шакллантириш, билимдон ва иқтидорли ёшларни изчил жалб қилиш партия қурилишида энг асосий йўналишлардан биридир. Чунки аксарият ходимларда касбий маҳорат етишмаётгани кузатиляпти. Бу эса ўтказилган партиявий лойиҳаларга юзаси ёндашиш, иш режалари ва белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилмаслигига олиб келаётганлиги ҳам бор гап. Шу боис партия ходимлари ва фаолларининг малажасини оширишга жиддий эътибор қаратиш муҳим масала бўлиб турибди.

Йиғилишда алоҳида таъкидланганидек, Халқ депутатлари вилоят кенгашида 20 нафар, туман (шаҳар) кенгашларида 146 нафар депутат фаолият олиб бормоқда. Улар томонидан ҳудудлардаги муаммоларни ўрганиш юзасидан тегишли ташкилот ва идораларга жами 1 245 та сўров юборилган. 204 марта ахборот ва ҳисоботлар ашитув ташкил этилди. Йил бошидан бери вилоят бўйича маслақдошлар сафи 2 минг 918 нафарга кенгайди. Бошланғич партия ташкилотларимиз сони 31 тага кўпайиб, 1 115 тага етди. Туман кенгашлари сессияларига жами 50 та масала киритилиб, 30 тасининг ечими бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди. Бирок айрим туманларда партия салоҳияти, имкониятини рўйга чиқарадиган асосий куч саналган депутатлик гуруҳлари фаолияти мутлақо сезилмаяпти.



ёрдам бермоқда. Куйи бўғинимиз йиғилишларида сиёсий фаолиятни янада кучайтириш, аъзоларимизни юртимиздаги ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш, қолаверса, 2023 йил учун партия муассислигида чоп этилаётган “XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси билан ижодий ҳамкорликни янада кенгайтириш юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олаёلمиз.

Эътироф этиш жоизки, тадбиркорлар билан ишлаш, иқтисодиётни янада либераллаштириш соҳасида 20 дан ортиқ турли тадбирлар ташкил қилинди. Уларнинг мувожаатлари ҳамда таклифларини қабул қилиш бўйича қилинган қоида ташкил этилган “call-center”га 102 та мувожаат келиб тушган бўлиб, 70 тасида тадбиркорлар дуч келаётган муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиш сўралган бўлса, 32 таси бизнес муҳитини яхшилаш борасида қонунчиликни тақомиллаштириш бўйича таклифлар берилган. Вилоят, туман (шаҳар) кенгашлари ҳузуридаги Фахрийлар кенгашлари томонидан 55 та давра суҳбати ва учрашувлар ташкил этилди.

Тараққиёт стратегиясида ёшлар йўналишида белгиланган вазифалар

ижросини янада жадаллаштириш, мавжуд муаммоларни ўрганиш ва мақбул ечимлар топish мақсадида октябрь ойидан бошлаб “OzLiDeP yoshlar minbari” телеграм гуруҳи ташкил қилинди. Истиқболимиз эгаларини ислохотларимизнинг ҳақиқий локомотивига айлантириш мақсадида уларни партия атрофида жипслаштириш, сафларини янада кенгайтиришга аҳамият берилмоқда.

– Бугунги кунда вилоятимизда 101 519 нафар O’zLiDeP аъзоси бўлиб, уларнинг 45 минг нафарга яқини хотин-қизлар, – деди О’zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши раисининг ўринбосари, Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашининг Ёшлар сиёсати, хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Исмигул Хўшмуродова. – Вилоят кенгаши “Аёллар қаноти” томонидан ўтган давр мобайнида “Бунёдкор аёллар” лойиҳаси доирасида 125 та янги иш ўрни яратилди. “Фаровон оила” лойиҳаси доирасида ажрим ёқасида турган 30 та оила яраштирилди. “Бир депутат – юз аёлга кўмакчи” лойиҳаси доирасида 100 дан ортиқ “темир”, “ёшлар”, “аёллар” дафтарлари киритилган мингдан ортиқ хотин-қизларга амалий ёрдам кўрсатилди. “Намунали томорқачи аёл – фаровонлик бунёдкори” лойиҳаси доирасида ўтказилган маҳорат дарсларида 800 дан ортиқ аёл иштирок этди. “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” шиори остида ташкил этилган “Ишбилармон аёл” кўрик-танловида минг нафарга яқин хотин-қиз қатнашди.

Партия дастури ва сайловолди платформасида белгиланган хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қишлоқларда хотин-қизларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини, соғлом турмуш тарзини таъминлаш, оила институтини мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилган “Соғлом оила – мустаҳкам оила” лойиҳаси доирасидаги тадбирларда 1 328 нафар хотин-қиз бепул тиббий кўриқдан ўтказилди.

Оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлом миллат генотипини асрашга кўмаклашиш, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ва тиббий маданиятини юксалтириш борасида ҳам тизимли тарғибот ишлари олиб боришмоқда.

Мунозараларда сўзга чиққанлар маҳалларда, қорхоналарда, тадбиркорлик субъектларида фаолият юритаётган бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини ҳам ғоявий, ҳам ташкилий жиҳатдан кучайтириб бориш, уларнинг партиявий ғоялар ва ислохотларимиз тарғиботчи сифатидаги ролини ошириш, жамиятнинг яратувчи қатлами, фаровон турмуш гарови бўлган тадбиркорлар, фермерлар манфаатларини ҳимоялаш, сиёсий кучнинг ўзига хос ойнаси ҳисобланган “XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетасига депутатлар ва бошланғич партия ташкилотларининг обуна бўлишлари учун тарғибот ишларини кучайтириш зарурлигини эътироф этишди. Шунингдек, одамларни ўйлантираётган долзарб муаммоларнинг жойларда ҳал қилиниши, ижродаги масалалар устидан қатъий депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатили, халқнинг ислохотларга, қолаверса, сиёсий партияларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш лозимлигини таъкидлашди.

Йиғилиш сўнггида партиянинг дастурий мақсадларини тарғиб қилишда ўрناк кўрсатган бир гуруҳ депутатлар ва партия фаолларига Қашқадарё вилоят кенгашининг ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

Сайфулла ИКРОМОВ, “XXI asr” мухбири

ДЕПУТАТ ВА ҲАЁТ



ТҮРТ МАРТА САЙЛАНИШ ОСОНМИ?

Жамоатчиликнинг депутатларга муносабати турличалиги ҳақиқат. Яшириб нима қилдик, сайланганига анча вақт ўтганига қарамай, электротар ҳалигача танимайдиган ноиблар йўқ эмас. Зотан, назарга тушиш учун элнинг дардига дармон, қувончу ташвишига шерик бўлишга интилиш зарур. Шундай кезлар депутатликнинг мартаба эмас, ақлдо масъулият экани яққол кўзга ташланади.

Халқ депутатлари Дўстлик туман кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи аъзоси Соатхон Ғайбуллаева Манас маҳалласида истиқомат қилувчи аҳоли ташвишини ўз дарди деб биладиган, ваколати доирасида одамларга доим ёрдам беришга ҳаракат қилаётган ноиблардан биридир.

Йил бошида Соатхон опага яна бир катта ишонч билдирилди. У маҳаллага диний-маърифий, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи этиб тайинланди. Эндиликда фаол депутатга юкланган жавобгарлик юки икки баравар ошди.

Манас деганда дарҳол хаёлингизга "Обод қишлоқ" атамаси келади, тўғрими? Бу бежиз эмас. Чунки мазкур давлат дастурининг дебчаси айнан

шу Манас қишлоғидан бошлангани эсингиздир. Айни пайтда бу ердаги 1 428 та оилада 6 514 нафар аҳоли истиқомат қилмоқда. Маҳалла ҳудудида 2 та умумтаълим мактаби, 2 та давлат мактабгача таълим ташкилоти, битта оилавий болалар боғчаси, маданият уйи, оилавий поликлиника фаолият юритмоқда. Бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларидан чирой очиб, ўзгача файзга тўлган маҳаллани кўриб кўнглингиз яйрайди.

– Аслида "Обод қишлоқ" дастури маҳалламизда ҳамон давом этмоқда. Том маънода шу номга лойиқ бўлиш учун одамларнинг фаровон турмушини таъминлашимиз зарур, – дейди С. Ғайбуллаева биз билан суҳбатда.

Опанинг гапларида жон бор. Сўнги йилларда кундалик ҳаётимизни белгилаб бераётган "Обод қишлоқ", "Инсон қадр" каби улғувор тушунчалар фақат узвийликдагина маъно-мазмун касб этади ахир. Ечимини кутиб турган муаммолар, амалга оширилиши зарур бўлган ишлар эса талайгина. Расмий маълумотларга қараганда, маҳалладаги меҳнатга лаёқатли 2 800 нафар аҳолининг 10 фоиздан ортиги ишсиз саналади. Норасмий ишсизлар ҳисобига бу рақамлар янада ошиши мумкин. "Темир дафтар"га 5 нафар, "Ёшлар дафтар"га 26 нафар, "Аёллар дафтар"га 88 нафар манаслик кiritилган.

Айни пайтда шаклланган бешлик – маҳалла раиси, ҳоким ўринбосари, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори ва хотин-қизлар фаоли Соатхон Ғайбуллаева томонидан аҳолининг бандлигини таъминлаш, шу асосда даромад манбаларини яратиш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, оилалар мустақамлигини таъминлаш сингари йўналишларда тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ишсизларнинг аксарияти хотин-қизлар эканини ҳисобга олиб, жорий йил 46 нафар аёлга тикувчилик, иссиқхона ва бошқа тармоқларда фаолият бошлаши учун жами 456 миллион сўм кредит маблағи ажратилган бўлса, 80 нафар хотин-қиз маҳалла ҳудудида ташкил қилинган тикувчилик цехига ишга жойлаштирилди. 53 нафар манасликка 50 сотихдан ер ажратиб берилди.

Маҳаллани айланар экансиз, одамлар ҳар қарич ердан унумли фойдаланишга уринаётгани, мўъжазгина иссиқхоналар куриш русумга айланаётганини сезиш қийин эмас. 2 сотихли шундай иссиқхонадан оқилона фойдаланаётган Манзура Бобоқулова эса партиянинг депутати Соатхон опанинг маслаҳати ва бевосита кўмаги билан иш бошлаганини тўлқинланиб гапирди. Гарчи қишлоқ аёлларига хос камтарлик билан топаётган даромади билан мақтанишни истамаган бўлса-да, иссиқхона

оила дастурхонини тўкин қилганини барчамиз сездик.

Соатхон опанинг ташаббуси билан Жумахон Норқўзиёва хонадонда 8 нафар аёл йиғилиб, гиламчилик фаолиятини йўлга қўйишди. Ип йиғиришдан тортиб, тўқишгача бўлган жараёнлар момолардан мерос аънавий усулда бажарилар экан. Қўлда тўқилган гиламларнинг ўз харидори борлигини эшитиб, излаган албатта имкон топишига яна бир бор амин бўлдик.

– Соатхон Ғайбуллаевани олдин ҳам кетма-кет икки марта депутатликка сайлаган эдик. Кейинчилик узрли сабаблар туфайли номзодини қўймади. Бироқ элнинг ишончини қозongan экан, кейинги икки сайловда яна унга овоз бердик, – дейди Жумахон Норқўзиёва.

Маслақдошимиз ҳақидаги бу каби илиқ сўзларни маҳалладаги кўпгина одамлардан эшитдик. Уни бежиз тўрт марта депутат қилиб сайлашганига ўзимиз ҳам инондик.

Дарвоқе, жорий йилда ҳудудда ҳуқуқбузарлик кескин камайиб, бирорта ҳам ажрашиш ҳолати қайд этилмаган. Бу эса партиядошимизнинг нафақат депутат, балки маҳалланинг диний-маърифий, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи сифатида ўз вазифасини сидқидилдан адо этаётганидан далолат беради.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
"XXI asr" мухбири

ИШЧИ ГУРУҲ

ҚОРАКЎЛЛИК ҚОРАКЎЗЛАР ҲУЗУРИДА

ТУМАНДАГИ ЎРГАНИШЛАР ДАВОМИДА ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ ИЖРОСИ ҲАМДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА БЎЛДИ

Тиббиёт бирлашмасида ташкил этилган тадбирда О'зЛиДеР вилоят кенгаши масъуллари, партиядан сайланган депутатлар ва фаоллар, ОАВ вакиллари иштирок этди. Уни партия вилоят кенгаши раиси биринчи ўринбосари – аппарат раҳбари, Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Бобомурод Очилов кириш сўзи билан очди.

Шундан сўнг О'зЛиДеР Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси Сийёсий таълим маркази раҳбари Насимжон Алимовнинг "Маънавий уйғоқ жамият – қудратли куч!" мавзусидаги маърузаси тингланди. Унда асосий эътибор "Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мулжалланган тараққиёт стратегияси ва уни 2022 йил – Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йилида амалга оширишга оид давлат дастури"да белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда О'зЛиДеРнинг ўрнига қаратилди.

Алоҳида таъкидланганидек, кейинги йилларда юртимизда миллий маънавиятни янада ривожлантириш бўйича Президентимизнинг фармон ва қарорлари қабул қилиниб, Янги

зиёли – бир маҳаллага маънавий ҳомий" таъмоили асосида изчил иш олиб борилмоқда. Маҳаллаларга маънавият-маърифат жонқуярлари, педагог ва зиёлилар бириктирилган бўлиб, бу ўз навбатида ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтариш имконини бераётди.

Мулоқот иштирокчилари қайд этганидек, Тараққиёт стратегияси партиянинг барча бўғинларидаги фаоллар, маҳаллий кенгаш депутатлари зиммасига масъулиятли вазифаларни юклайди. Ҳар бир бандида "Инсон қадрини улуғлаш" деган ғояни акс эттирган бу тарихий ҳужжат бугунги кунда партияимиз фаолиятининг сийёсий-ҳуқуқий ва маънавий-ғоявий асосини ташкил этмоқда.

Кун тартибидеги масалалар юзасидан сўзга чиққан "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати вилоят ҳудудий бўлиғимаси раҳбари, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Ҳамза Рўзиёев, О'зЛиДеР Қоракўл туман кенгаши раиси Элёр Олтиев ва бошқалар маънавий уйғоқ жамият – қудратли куч эканини мамнуният билан эътироф этдилар. Шубҳасиз, ўсиб келаётган ёш авлод орасида бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш ўта муҳим аҳамиятга эга. "Маънавий тараққиёт" йўналишида белгилаб берилган мақсад



Ўзбекистон тарихини яратиш йўлидаги истилохотлар бардавонлиги таъминланмоқда. Ислохотлар самараси эндиликда Қоракўл туманида ҳам яққол кўзга ташланаётди. Бунда О'зЛиДеР аъзоси бўлган 12 523 нафар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларининг ҳам ўз ўрни бор.

Бугунги кунда ёшларни маънавиятли қилиб тарбиялаш, уларни китоб ўқишга қизиқтириш, мутлола маданиятини ривожлантириш энг асосий масала ҳисобланади. Дарҳақиқат, баркамол авлодни вояга етказишда китобнинг, қолаверса, газета-журналларнинг ҳам тарбиявий аҳамияти беқийёс. Айнан мутлола инсонга билим ва ахборот бериш билан бирга унинг дунёқарашини кенгайтириш, руҳий оламни бойитишда муҳим ўрин тутди.

Туман маҳаллаларида ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, "Бир

ва вазифаларни амалга оширишда бугун партия фаолларидан алоҳида ғайрат кўрсатиб ишлаш, партиявий жонқуярлик ва фидойилик билан фаолият олиб бориш талаб этилаётганини йиғилишда яна бир бор айтиб ўтилди.

Йиғилишда ташкилий масала ҳам кўриб чиқилди. Марҳабо Саидова О'зЛиДеР Қоракўл туман кенгаши раиси биринчи ўринбосари – аппарат раҳбари этиб тайинланди.

Тадбир доирасида партиянинг бир гуруҳ фаолларига О'зЛиДеР Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитасининг ташаккурномалари топширилди.

Шу кун "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳудудда турли манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Асқор ИСТАМОВ,
"XXI asr" мухбири

МУЛОҚОТ

АЁЛЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИККА ҚАРШИМИЗ

Олий Маҳлис Қонунчилик палатаси депутати, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Мавлуда Ибрагимова, партия Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси бўлим мудири Севара Мусли-

Rustam agro" масъулияти чекланган жамиятида меҳнат қилаётган хотин-қизлар билан мулоқотда бўлиб, уларга яратилган меҳнат шароитларини кўздан кечиришди.



мова ҳамда Тошкент вилоят кенгаши аёлларнинг сийёсий фаоллиги, жамиятдаги роли ва мавқеини ошириш бўлими мудири Дияра Болтаева Оҳангарон туманидаги "Ohangaron

Мазкур жамият асосан сабзавот, мева, парранда, мол гўшти, сут маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадоқлаш ҳамда асаларчиликка мўлжалланган. 100 дан ортиқ ишчиси



яқин атрофдаги Увак ҳамда Алишер маҳаллаларидан қатнаб, меҳнат қилишади.

Фаоллар юртимизда аёлларга берилган эътибор, партия лойиҳалари доирасида хайрли ишлар амалга оширилаётгани, ижтимоий кўмакка муҳтож опа-сингилларга кўмаклашилаётгани ҳақида маълумот беришди. Шунингдек, сийёсий куч хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг ҳар қандай турига қарши муросасизлик билан курашишни билдиришди.

Мулоқот сўнгидеки партия сафида бирлашишни истаган ходимларга партиянинг аъзолик гувоҳномалари, эсдалик совғалари топширилди.

Зухро МИРЗОҲАМДАМОВА,
О'зЛиДеР Тошкент вилоят кенгаши бўлим мудири

ЭШИТУВ

ЁШЛАР МУАММОСИГА ЕЧИМ БОР, ФАҚАТ...

Узун туманида 170 минг аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 50 минг нафардан ортиғи ёшлар.

Хўш, уларни касб-хунарли қилиш ва бандлигини таъминлаш, мавжуд муаммоларини ечиш учун қандай ишлар амалга оширилмоқда? О'зЛиДеР Узун туман кенгашида ташкил этилган навбатдаги эшитувда Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими мутасаддилари қатор саволларга жавоб беришди. Партияимиздан сайланган депутатлар туманда ёшларга оид давлат сийёсати қай даражада бажарилаётгани бўйича аниқ масалаларни ўртага қўйишди.

Айтиш керакки, Узунда ёшлар учун IT марказидан тортиб, кутубхона, техникум, коллеж, маданият маркази ва истироҳат боғи фаолият юритмоқда. Ёшлар дафтарига 1 105 нафар йигит-қиз киритилган бўлиб, шундан 945 нафарига агентлик томонидан ёрдам ажратилган. 150 нафарининг сафарбарлик қақуриб резерви тўловлари тўлаб берилган бўлса,

54 нафари ишга жойлаштирилди. Яна 21 нафарига хунари ўрганиб, ўзини ўзи банд қилиши учун асбоб-ускуна тақдим этилди. 449 нафар ёш эса ер олиб, деҳқончилик қилишмоқда. Бундан ташка-

дам учун 20 млн. 200 минг сўм, замонавий касбларга ўқитиш учун 23 млн. 200 минг сўм, асбоб-ускуна учун 69 млн. сўм маблағ сарфланди. Депутатлар жағфарма маблағларининг мақсадли



ри, ҳайдовчилик, тикувчилик курсларида ўқиб, йўлини топиб кетганлар талай.

Ёшлар жағфармасидан бугунги кунга қадар талабалар тўлов шартномалари учун 160 млн. сўм, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш учун эса 10 млн. 120 минг сўм, бир марталик ёр-

сарфланиши юзасидан ҳам ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишгач, бу борадаги таклиф-тавсияларини билдиришди.

О'зЛиДеР Сурхондарё вилояти кенгаши матбуот хизмати

КОРРУПЦИЯ ҚАЧОН БАРҲАМ ТОПАДИ?

Коррупциянинг қачон пайдо бўлганини аниқлаш осон эмаслигини яхши биламиз. Лекин дунёда бу хатарли балога қарши кураш бир лаҳза тўхтамагани ҳам ҳақиқат. Ҳўш, унга чора борми ўзи? Жаҳондаги тараққий этган давлатларнинг ибратли тажрибасини ўрганган ва миллий амалиётга татбиқ этиш бизга ҳам қўл келиши мумкин.

Нидерландия дунёда коррупция даражаси энг паст давлатлар қаторига киради. Бу ерда айтилганга қарши кураш тизими куйидагича: коррупция ҳолати аниқланган, унинг оқибатлари муҳокама қилинади ва қўлланган жазолар мунтазам равишда эълон қилиб борилади. Ички ишлар вазири ҳар йили коррупция фактлари ва унга алоқадор шахсларни жазолаш чоралари тўғрисида парламентга ҳисобот беради. Мамлакатда коррупциявий ҳолатлар юзага келиши мумкин бўлган нуқталарни кузатиб бориш ва бу жойларда шахсларнинг фаолиятини назорат қилиш тизими ишлаб чиқилган.

Хитойда сўнгги беш йилда ҳукмрон коммунистик партиянинг 80 минг аъзоси коррупцияга қарши кураш қоидаларини бузганини ихтиёрий тарзда тан олган. Бу ҳақда КПнинг имтизомни текшириш бўйича Марказий комиссияси котиби ўринбосари Сия Пэй маълум қилган. Қайд этилишича, партия охириги ўн йил давомида қарийб 5 миллион нафар (жами аъзолари сони 96 миллион нафар) аъзоларига нисбатан эҳтимолий коррупция факти бўйича текширув ўтказган. Бироқ атиги 553 ҳолатда жиноят иши қўзғатилган. "Коррупциянинг қулоч ёйиши мутлақо тўхтатилди. Мақсадли сиёсат ва кучли босим сўнгги 5 йилда 80 минг нафар партия аъзосини қонунбузарлиқни ихтиёрий тан олишга мажбур қилди", деган Сия Пэй компартиянинг 20-съезидида. Маълум қилинишича, ушбу даврда коррупция учун жазоланганларнинг аксарияти (89 фоизи) бундай қонунбузарликни қайта содир этган. Си Цзинпин 2012 йилда партия марказий қўмитаси бош котиби лавозимига киришганидан буён эса КПнинг жами 207 минг нафарга яқин аъзоси турли йўсинда жазоланган.

Ҳўш, коррупция ўзи нима? Президентимизнинг 2020 йил 29 июндаги "Коррупцияга қарши кураш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонида унга шундай таъриф берилади: "Коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш".

Коррупция шакли жиҳатидан турфа хил бўлиб, нафақат жамиятнинг иқтисодий, сиёсат, ҳуқуқ, ахлоқ, балки ижтимоий амалиёт тусига кириб, айрим ривожланган мамлакатларда ижтимоий институтга айланишга улгурди. Ўз навбатида, тадқиқотчилар коррупцияни мансабдор шахснинг фойдани тақсимлашдаги иштироки даражасига қараб таснифлайди. Тадқиқотчи Т. Сафаров давлат бошқаруви органларидаги коррупциянинг алоҳида шакллари ўрганган ҳолда, унинг учта умумий типи мавжудлигини таъкидлайди:

- маъмурий коррупция у алоҳида шахс ёки бир неча шахслар мансабдор шахс томонидан ҳақ эвазига (масалан, пора эвазига маълум маъмурий муқддатни чиқаришда намоён бўлади (имтиёз, кредит бериш ва ҳоказо);
 - бюджет коррупцияси – олий тоифадаги ёки масъул лавозимдаги амалдорлар томонидан бюджет маблағларини йирик ҳажмларда ўзга шахслар билан бирга ўзлаштириб юбориш ёки мақсадли равишда ишлатмасдан шахс манфаати йўлида ишлатиб юбориш;
 - обрў-нуфуздан (таъсир кучидан) фойдаланиш – хусусий сектор вакиллари томонидан нуфузли давлат органи вакиллари таъсир кучидан фойдаланиш орқали шахсий манфаатига эга бўлиш.
- Шу ўринда жонли мисолларга мурожаат этайлик: Қашқадарё вилоят жиноят ишлари бўйича вилоят, туман, шаҳар судлари томонидан 2021 йил 9 ойи давомида жами 3 553 нафар шахсга нисбатан 2 490 та жиноят иши кўрилган бўлиб, ишларнинг 4 таси (0,1 фоизи)ни ёхуд шахсларнинг 8 нафари (0,3 фоизи)ни ЖКнинг 210-моддаси (пора олиш) билан боғлиқ;
- 73 таси (2,9 фоизи)ни ёхуд шахслар-



нинг 83 нафари (2,3 фоизи)ни ЖКнинг 211-моддаси (пора бериш) билан боғлиқ жиноят ишлари ташкил қилган.

Статистик маълумотлар ушбу кўрсаткич 2022 йилнинг 9 ойида аввалги йилга нисбатан кескин ортиб бораётганини кўрсатмоқда.

Жумладан, 2022 йилнинг 9 ойида:
– жами 5 450 шахсга нисбатан 3 820 та жиноят иши кўрилган бўлиб, шундан 21 таси (0,5 фоизи)ни ёхуд шахсларнинг 25 нафари (0,4 фоизи)ни ЖКнинг 210-моддаси билан боғлиқ;

- 82 таси (2,1 фоизи)ни ёхуд шахсларнинг 118 нафари (2,3 фоизи)ни ЖКнинг 211-моддаси билан боғлиқ;
- 4 таси (0,1 фоизи)ни ёхуд шахсларнинг 118 нафари (0,1 фоизи)ни ЖКнинг 212-моддаси (пора олиш-беришда воситачилик қилиш) билан боғлиқ жиноят ишлари ташкил қилган.

Зикр этилган даврда вилоятда жиноятчилик сони кўпайгани билан бир қаторда, айнан пора олиш, бериш ва воситачилик қилиш жиноятлари ҳам кескин ортган. Яъни, жиноят содир қилган шахслар 34,8 фоизга ортиши билан бирга айнан номи зикр этилган жиноятларни содир қилган шахслар ҳам 38 фоизга кўпайган. ЖКнинг 210-моддаси билан судланган шахсларнинг 6 нафарига озодликни чеклаш, 15 нафарига озодликдан маҳрум қилиш; ЖКнинг 211-моддаси билан судланган шахсларнинг 9 нафарига ахлоқ тузатиш ишлари, 30 нафарига озодликни чеклаш ва 45 нафарига озодликдан маҳрум қилиш; ЖКнинг 212-моддаси билан судланган шахсларнинг 3 нафарига озодликни чеклаш ва 1 нафарига озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланган.

Умуман, вилоят бўйича бу соҳада 2021 йилнинг тўққиз ойида 241 та жиноят иши кўрилган бўлса, бу йилнинг тўққиз ойида 403 та жиноят иши кўриб чиқилди. Вилоятнинг Муборак, Ғузур, Касби, Нишон, Қарши

туманиларида коррупцияга оид жиноятлар кўпайган.

Инсон нафс балосига дучор бўлса, қонунни менсимайди, ўзгалар ҳақидан ҳазар қилмайди. Аммо боши деворга урилган, тавба-тазарру қилади. Бу ҳақда Имом Ғазолий шундай ёзади: "Билгилким, сени ким халқ қилибдур? Икки нимарсадин бири зоҳир бадандурки, ани тан атабурлар, муни зоҳир кўз бирла кўргали бўлур. Яна бири маънии ботиндурки, ани нафс дерлар, жон атарлар ва дил ҳам дерлар".

Ҳар қандай жиноят замирида ҳам нафси ўпқонлик туради. Инсон маънан камолга эришмас экан, у адолат ва ҳақолатнинг фарқига бормайди. Шу ўринда сабабчилари қурбонлари ҳам нафс балоси туйғали халқ нафратига дучор бўлади.

Ҳамид БОБОҚУЛОВ,
Қашқадарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судьяси

Тошкент шаҳридаги "NODIR KAFELLAR" ВА "OZIQ OVQAT STANDART KARTON" масъулияти чекланган жамиятлари жамоаси

барча юртдошларимизни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 30 йиллиги билан табриқлайди.

Хонадонингиздан тинчлик-хотиржамлик, дастурхонингиздан файзу барака аримасин. Жонажон Ўзбекистонимизда ҳамisha қонун устувор, адолат барқарор бўлсин!

2019 йил 2 февралда фаолият бошлаган корхонамиз бугун сифатли керамик плиталар ишлаб чиқаришда салмоқли ютуқларга эришмоқда. 148 нафар малакали ходимдан иборат жамоамиз билан маррани баланд олиб, фаолиятимизни янада кенгайтиришни мақсад қилганмиз. Бу йўлда соҳага оид ҳужжатлар ва албатта, Бош қомусимиз бизга йўл кўрсатувчи, ҳуқуқларимизни ҳимоя қилувчи мустаҳкам кўрғон бўлишига ишонамиз. Фурсатдан фойдаланиб барча юртдошларимизни аҳил жамоамиз номидан Асосий қонунимиз қабул қилинган кутлуг сана билан чин дилдан муборакбод этаман.

Манзил: Тошкент шаҳри Яққасарой тумани
Усмон Носир кўчаси 2-уй. Тел.: 71-250-83-54.

Жаҳонгирхон НОДИРХОНОВ,
"Nodir kafellar" ва "Oziq ovqat standart karton"
МЧДЛари таъсисчиси



Дунёни титратаётган бало

Айни пайтда жамиятда ижобий ўзгаришлар билан бирга жиноий даромадларни легаллаштириш ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ўсаётганини ҳам кузатиш мумкин. Коррупция давлат хизматчиларининг ўз вазифаларини тазйиқ ёки ихтиёрий равишда бузиш йўли билан содир этиладиган жиноий ҳаракатларнинг шакллари билан бири ҳисобланади. Мазкур ҳолатлар фуқароларнинг бефарқлиги натижа-сида ҳам юзага келади ва давлатнинг конституциявий асослари, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилиши, давлат бошқаруви органларига нисбатан ишончсизликнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш бўйича қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун ва Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони шулар жумласидандир. "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун иқтисодиётимизда муҳим ўрин тутувчи тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини янада кучайтирди. Соҳадаги маъмурий ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, рўйхатга олиш, рўхсат этиш ва лицензияга доир тартиб-таомиллар соддалаштирилди. Давлат органларининг назорат-текширув вазифалари янада мақбуллаштирилди. Ушбу субъектлар фаолиятига қонунга хилоф равишда арала-



шишга йўл қўймаслик чоралари кўрилмоқда. Бу эса мамлакатда қўлай бизнес муҳити мустаҳкамланиши, аҳоли орасида тадбиркорликка бўлган қизиқиш янада кучайишига кенг йўл очади.

Шуни унутмаслигимиз лозимки, коррупцияга қарши курашиш борасида нафақат давлат органлари ходимлари, балки ҳар биримиз масъулмиз.

Паризод ЗОКИРОВА,
Тошкент туманлараро иқтисодий суди судьяси

О'zLiDeP Қашқадарё вилояти кенгаши партиянинг Ғузур туман кенгаши раиси
Юнус Ботировга онаси
Розия момонинг
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

...Кузнинг фаромуш табиати таъсиридани ё кенгликларда туғилиб ўсганим боисми, бир ажиб сафар истарди кўнгли. Бир баҳона бўлса-ю, тараққиёт асбобларидан бир дам узоқлашиб, узоқ йўл юрсам ва адоқсиз далаларми, кўз етмас тоғлар бағридами пайдо бўлиб қолсам деган ўйда эдим. Боисми, компьютеру интернет деган сирли "тўр"лар ўзига маҳлиё этиб, кун сайин ичимдан бор-будимни суғуриб олаётгандай, оқибатики, фитратини ўзидек қуруқлаштириб, бўм-бўшиқка етаклаётгандек эди.

Зомин тоғлари бағрида журналистлар учун медиафорум ташкил этилаётгани хабари келди. Шундай аjoyиб кунларда бундай табирга таклиф қилинганим сабабли азбаройи кувонганимдан унинг қачон бошланиши-ю, неча кун давом этишини ҳам сўрамабман. Сафардошларим маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг юртимизда аккредитациядан ўтган вакилларидан иборат журналистлар жамоаси экан.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва "Навоий кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу II халқаро медиафорум "Миллий журналистика: аъёналар давомийлиги ва замонавийлик" деб номланибди. Бу бежиз

минг тонна маъдани ер юзасига чикариш имконини беради.

– Шахтада мустақамловчи бўлиб ишлайман, – дейди ўзини Шермат Эшқобилов деб таништираётган ишчилардан бири. – Ишчи-хизматчилар учун барча шароитлар яратилган. Маошимиз ҳам чакимас, меҳнатимнинг ортидан 6 фарзандимнинг 5 нафарини ўқитиб олий маълумотли қилдим. Беадад шукр, бундан ортиқ яна нима керак бизга?!

Биз ҳам машаққатли касбларида куч-қувват ва яхшиликлар тилаганча улар билан хайрлашдик.

Не бахтки, Зомин тоғларида жойлашган "НКМК" санаторийсига ярим тунда етиб келганимиз ва чарқоч боис дарҳол оромга чўганимиз учунми сезмаган эканмиз, тонгда ўрнимиздан туришимиз биланқоқ шундоқ яқингинамиздаги пуриқор тоғлари арчазорларнинг қорга бурканган ажиб манзарасига тушган кўзимиз ярқ этиб очилди. Кеча деярли кун давомиде босган узоқ йўллар чарқоғи унутилди. Медиафорумнинг дастлабки кунни ана шундай хушқайфиятда бошланди.

Анжуманнинг тантанали очилиш маросимиде сўзга чиққан Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси Олимжон Усаров қатнашчиларни фаол бўлишга, имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда тажриба орттиришга чақирди. Чунки, Эътироф этиш кераки, медиафорумга мамлакатимиз ва



БЕШ КУНЛИК САФАР СИРЛАРИ

ЎХУД ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИ ВА "НАВОЙИ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН АНЖУМАН ТААССУРОТЛАРИ

эмасди, албатта. Миллий журналистикамиз аъёналарини давом эттириш ва соҳада замонавийликни жорий этиш учун нималарга эътибор бериш керак, қандай талаб ва мезонларга амал қилиш жоиз, халқаро тажрибаларни нечоғлик ўзлаштириш керак? Шу ва шу каби саволлар атрофида катта авлод ҳақиқатларини тингламоқ ўрта ҳамда кичик авлод вакиллари учун фойдадан холи эмас. Зеро, тажриба барибир ўзининг олтин хулосасини айтади ва унга қулоқ тутмоқ фақат яхшилик келтиради.

Ҳамкасблар давраси ҳар доимгидек ғаройиб ва шўх-шодон бўлади-да. Тошкентдан йўлга чиққан автобус саломи куй-қўшиқлару лапарларга тўлди ва тўрт соатлик йўлни қандай босиб ўтганимизни ҳам сезмай қолдик. Аввалига Самарқанд вилояти Қўшработ тумани Заркент қўрғониде жойлашган "Зармитан" олтин конига бордик.

Эътиборли жиҳати, "Навоий кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамияти жамоатчилиги билан алоқалар бўйича директори, асли касби тарихчи бўлган Холмамат Раупов экскурсиямизга бошчилик қилиб борар экан, бу ҳудудда амалга оширилаётган кенг қўламли лойиҳалар хусусиде сўзладик.

– Юртимизда авж олган йирик бунёдкорлик ишлари ушбу чекка ҳудуд – Қўшработда ҳам бўй кўрсатди, – дейди у кенг ва текис йўллар атрофида жойлашган уй-жойларга ишора қилиб. – Янги гидрометаллургия заводи, конлар, замонавий инфратузилма – Заркент қўрғони барпо этилди. Мисли кўрилмаган бу ўзгаришлар натижасиде ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожлантирилмоқда. Кончиларнинг фаровон яшаш, ёшлар учун муносиб иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқариш ҳамда истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга эътибор қаратилмоқда. Ҳар йили янгидан-янги турли объектлар фойдаланишга топширилмоқда.

Автобус елдек учиб борар экан, аҳоли тураржойлари сийраклашган, адоқсиз қир-адирликлар бошланди. Улар узра тоғдек уюм-уюм тошу қумлар, ер ости жисмлари қад кўтарган, махсус машиналар тинимсиз ишлаётган, хизматга шошаётган ишчилару бошқарувчилардан иборат "Зармитан"га етиб келдик. Масъуллар бу ердаги жараёнлар, хавфсизлик қоидалари ҳақида тушунтиргач, бош ва устки химоя кийимларни кийиб, кончилар ёнига шошилдик.

– Ўзбекистон кончилик саноти тарихиде илк маротаба шахта чуқурлиги 1 000 метрга етди, – дейди мазкур комбинатнинг "Жанубий кон" бошқармаси бош муҳандиси вазифини бажарувчи Озоджон Фармонов. – Чехия давлатининг "Mine Construction Alliance s.r.o." компанияси билан ҳамкорлиқда олиб борилган икки йиллик самарали меҳнат махсули бўлган ушбу янгилик нафақат Ўзбекистон кончилик саноти тарихиде, балки Марказий Осиё тарихиде илк маротаба кузатилгани билан фахрланарлидир. Техник жиҳатдан ниҳоятда мураккаб ҳисобланган қазииш ишлари олиб борилётган ушбу шахтанинг диаметри 6,5 метр.

Бу ютуқ мустақиллигимизнинг 31 йиллик байрамига муносиб совға бўлибди. Бундай улкан ишлар комбинат ўз йўналишида ривожланиш сари илгарилар бораётганидан далолат беради. Аини пайтда кейинги босқичдаги ишлар давом эттирилмоқда. Лойиҳани 2023 йил март ойиде тўлиқ якунлаш режалаштирилган. Бу келгусиде ер қаъридан ҳар йили 850

хорижий ОАВ билимдонлари ҳамда етакчилари, хусусан, Туркиянинг "ТРТ" телерадиокомпаниясининг Ўзбекистондаги бюроси раҳбари Низом Шаҳин ва мазкур телеканал мухбири Шоҳрух Олимов, Эроннинг "Fars news" агентлиги мухбири Шерали Авезметов, Озарбойжоннинг "Азертаж" ахборот агентлиги мухбири Гулу Казимов, Тожикистоннинг "Жумхурият" газетаси мухбири Мирасрор Аҳроров, Буюк Британиянинг "Рейтер" ахборот агентлиги мухбири Муҳаммадшариф Маматқулов, Қирғизистоннинг "Кабар" ахборот агентлигининг Ўзбекистондаги мухбири Тулганбой Қурбонов, Россиянинг "Фергана.ру" ахборот агентлигининг Ўзбекистондаги мухбири Андрей Кудряшов ва Александр Рибин, "Маданият ва маърифат" телеканали бош муҳаррири Сафарали Қурбонов ва бош оператори Нозимжон Толипов, "Ишонч-медиа" маркази раҳбари Шоҳира Ҳамро таклиф этилган.

Улар беш кун давомиде ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар. ОАВ ходимининг тезкорлик ва ростгўйликка амал қилиш жуда муҳимлиги, ёлғон ахборот тарқатишдан тийилиш, шов-шувларга учмаслик, журналистнинг ўз шаъни, қадр-қимматини сақлаш, медиамақолада рақобатга бардош бериш ҳамда бунинг учун тегишли талабларга риоя этиш ва ҳоказолар хусусиде атрофлича, кўрган-кечирганларини мисол келтирган ҳолда баён қилишди. Ёшларни бу шарафли касбга содиқ ва муносиб бўлишга чақирди.

Форум давомиде "Янгиликлар халқаро ахборот агентликлариде қандай тамойил асосиде ёритилади?", "Компанияларнинг ОАВ билан ишлашида замонавий талаблар", "Табирни онлайн ёритишнинг ўзига хос хусусиятлари", "Компаниялар билан мулоқотда журналистнинг роли" каби мавзуларда медиатренинглр ўтказилди. Мазкур маҳорат сабоқларида ёшлар салмоқли илм олишди.



Низом ШАҲИН,
Туркиянинг "ТРТ"
телерадиокомпаниясининг
Ўзбекистондаги бюроси
раҳбари:

– Икки ярим йилдан буён Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган. Вазифини бу қардош мамлакатдаги муҳим воқеаларни асосан Туркия микёсиде ва Туркия орқали бутун дунёда эълон қилишдан иборат. Айтиш лозимки, бугунги кунда юртингиз ўз салоҳиятини қа-

дам-бақадам дунёга намойиш этиб келмоқда. Бу жараёнда журналистлар фаоллиги муҳим бўлаётир. Албатта, журналист, аввало, ўз миллати дарди билан яшайдиган инсон. Бирор-бир соҳа вакили ўз тизимидеги муаммолар юзасидан қайғурса, журналист бутун миллат ташвиши хусусиде фикр юритади.



Гулу КАЗИМОВ,
Озарбойжоннинг
"Азертаж" ахборот
агентлиги мухбири:

– 20 йил илгари Ўзбекистонга Озарбойжоннинг махсус мухбири сифатиде келганман. Икки йилдан кейин сафар муддатим битганида раҳбаримиз "Хоҳласанг, қайтиб кел" деди. Мен унга "Тошкент жуда ҳам гўзал шаҳар, изн берсангиз, шу ерда қолсам" дедим. Мана, йи-гирма йилки шу заминдаман.



Муҳаммадшариф МАМАТҚУЛОВ,
Буюк Британиянинг
"Рейтер" ахборот
агентлиги мухбири (чапда):

"Сен менинг дўстимсан, бироқ ҳақиқат мен учун муҳимроқ!". Ҳар бир журналист Аристотелнинг ушбу сўзларини ҳеч қачон унутмаслиги керак. Қолаверса, журналистикада тезкорлик жуда муҳим. "Рейтер" ахборот агентлигимизда бунга алоҳиде эътибор қаратилади. Ахборотни тўлаш, тарқатиш жараёни жуда мураккаб, тезкорлик билан

бир қаторда фактларни текшириш, таҳлил қилиш ва холислик билан ёритишга аҳамият қаратиш зарур. Аудиторияга ишончли ахборот етказишда фактчекингни пухта ўзлаштириш керак.

Эътибор берган бўлсангиз, бизда чоп этилаётган биттагина ахборотнинг остида ҳатто уч нафар муаллифнинг имзоси кўрсатилади. Бу, ушбу хабар учун ана шунча муаллиф масъуллигини, ушбу маълумот уларнинг текшируви асосиде узатилаётганини билдиради. Биз вазифинида ана шундай масъулият билан ёндашамиз.



Мирасрор АҲРОРОВ,
Тожикистоннинг
"Жумхурият" газетаси
мухбири:

– Журналист тўғри савол беришни билиши керак. Тажрибадан биламанки, айнан тўғри қўйилган саволга берилган жавоб со-

атлаб давом этадиган ҳисоботлардан фойдалироқ. Бу саволларда халқнинг дарди, фикри, қарашлари ифода этилиши керак. Бугун биз ана шундай саволларни бера оладиган ёш журналистларга муҳтожмиз.

Машғулотлардан сўнг, яъни куннинг иккинчи ярмида ўрганувчилар "Маданият ва маърифат" телеканали оператори Нозимжон Толиповдан тоғ ён-бағирларида фото ва видео лавҳалар тайёрлаш сирларини ўрганишди. Мазкур телеканалнинг тажрибали журналисти Сафарали Қурбонов эса телерапортёр яратиш, кадр учун тезкор матн ёзиш ва сифатли узатмага эришишда нималарга эътибор қаратиш хусусиде қизиқувчиларга амалий билим берди. Ҳамда ушбу қисқа вақтдаёқ меҳнатлари махсули бўлиши телелавҳаларини намойиш этишди. "Ишонч-медиа" маркази раҳбари Шоҳира Ҳамро эса кун давомиде тезкорлик билан тайёрлаган хабар-лавҳаларини пешма-пеш ижтимоий тармоқларда эълон қилиб бориши билан ўз вақтида узатилган ахборот ҳамшира қадри эканини исботлади.

Иштирокчилар учун санаторийда саломатликларини тиклаб олишлари учун бу ердаги муолажалардан бепул фойдаланиш имкони берилгани эса қутилмаган янгилик бўлди. Айниқса, оқшомги маънавий-музикаий тадбирлар, шеъронлик, ғазалхонлиги айтишувлар, ўйин-кулгилар нафақат форумнинг кўтаринки руҳда ўтишига, балки ушбу дамларнинг иштирокчилар қалбиде узоқ вақт ширин хотиралар билан муҳрланишига замин яратди. Зоминда ўтган қисқагина беш кун машаққатли касб эгаларининг келгусиде янада шижоат билан меҳнат қилиши, маҳоратлари бундан-де ортишига туртки бўлиши шубҳасиз.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
"XXI asr" махсус мухбири



MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARONLAR HARAKATI –
O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:
Ақтам ХАЙТОВ
Дилшод ШОУМАРОВ
Шухрат БАҒОЕВ
Мавлуда ХУҲАЕВА

Сироҷиддин САЙИИД
Адхам ШОДМОҢОВ
Виктор ПАК
Насимжон АЛИМОВ

Сардор МУСТАҒОЕВ
(Бош муҳаррир уринбосари)

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73^а-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.ru
xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама бўлими –
71 255-68-50.

"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан
рўйхатдан ўтказилган.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматиде
босилди. Ҳажми – 3 босма табақ.
Буюртма рақами: Г – 1251 Адади: 4839
Электрон обуна – 1355
Баҳоиси келишилган нарҳда.
Топширилди – 19:30

Тахририятга келган кўлёмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© "XXI asr" дан олинган маълумотларга манба
сифатиде газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.
Газета тахририят компьютер марказиде
терилди ҳамда дизайнерлар

Элёржон Неъматов,
Маъруфжон Раҳмонов
саҳифалади.



НАШР КўРСАТКИЧИ: 406
123456

Навбатчи муҳаррир:
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА